

**ТРАНСПОРТ САМАРАДОРЛИГИ ВА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛИ**

Зияев Камоллиддин Зухриддинович

т.ф.д.((PhD) доцент

Абдураззоков Умидулла Абдураззокович

т.ф.д.((PhD) доцент

Исмаилова Шохсанам Бекжон қизи

Тадқиқотчи, Тошкент давлат транспорт университети.

Аннотация

Мақолада Интеллектуал транспорт тизими замонавий шаҳарларнинг транспорт ҳаракатини бошқаришнинг энг самарали тизими эканлиги ва бу борада , шаҳар кўча-йўл тармоғининг ўтказувчанлик қобилиятини шаҳар шароитида ҳаракатланадиган транспорт воситалари мобиллигини ошириш учун чорраҳанинг истиқболли ҳаракат интенсивлиги кўрсаткичлари , ҳамда ҳаракатни ташкил этиш услуги ҳақида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Интеллектуал транспорт, Шаҳарларнинг транспорт инфратузилмаси, ер усти транспорти.

Транспорт қатнови шаҳар ва вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшади. Тўхтовсиз ҳаракатланишни таъминлашда транспорт оқимлари параметрлари (сони, тезлиги, таркиби) маълумотларини тўплаш ва қайта ишлашнинг замонавий усулларидан фойдаланиш зарур.

Транспорт самарадорлиги ва ҳаракат хавфсизлигини оширишнинг замонавий йўли – интеллектуал транспорт тизимларини шакллантиришдир. Сўнги йилларда автомобиль конструкциясидаги асосий янгиликлар мехатрон тизимлар билан боғлиқ. Автомобилнинг мехатрон тизимлари базасида яратилган интеллектуал транспорт тизимлари орқали автомобиль ҳаракатини ташқи инфратузилмадаги вазиятларга мос равишда бошқариш имконияти таъминланмоқда. Автомобиль ҳаракатини бошқариш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, эксплуатация жараёнларида ресурсларни тежаш вазифаларини ўз ичига олган ягона техникавий ва методологик асосга таянган “Интеллектуал транспорт тизими” вужудга келмоқда.

ИТТ ва интеллектуал технологиялар (ИТ) – моделлаштириш дастурлари ёрдамида маълумотларни тўплаш, таҳлил қилишни автоматлаштириш, реал вақт режимида жараённи моделлаштиришга, “инсон омили”ни минималлаштиришга ва такомиллаштириш қарорларини таклиф қилишга имкон берадиган махсус услубий таъминотга асосланган. . ИТТнинг операцион вазифаси – барча йўл ҳаракати иштирокчиларини мослашиш тамойиллари бўйича реал вақтда ўзаро таъсирини амалга ошириш ва қўллаб-қувватлашдир (1.1 - расм).



1.1 - расм. Интеллектуал транспорт тизимидаги ахборот оқимларининг бошқарув йўналишлари

Автомобиль йўлларида транспорт ҳаракатини бошқаришда дунёнинг ривожланган мамлакатларида 1990-йилларнинг охири 2000-йиллардан бошлаб ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ИТТдан кенг қўламда фойдаланиш йўлга қўйилди. ИТТ технологиялари авиация ва космик технологияларнинг сўнги ютуқлари асосида замонавий автотранспорт тармоқларига ҳам тадбиқ этилиб, соҳа ривожланишига ва мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида автомобиль электроникаси каби янги соҳалар вужудга келди. Автомобиль электроникаси дастлаб локал аҳамиятга эга бўлиб, транспорт ҳаракати интенсив бўлган жойларда автомобиль конструкциясининг имкониятларидан келиб чиқиб, уни бошқариш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига қаратилди.

Хулоса:

Кейинги йилларда автомобиллар сонининг ортиб бориши йўлларда авариялар, тирбандликлар ва экологик муаммолар юзага келиши, эксплуатация шароитида энергия ресурс тежамкорлигига бўлган талаблар янада кескинлашувига олиб келди.

Шу сабабли, автомобиль конструкцияларини янги мехатрон ва ИТТ технологиялари билан такомиллаштириш глобал аҳамият касб этмоқда. ИТТни ривожланиш босқичлари 4 даврдан иборат бўлиб, қуйидаги ИТТларга асос солинган:

- автомобиль радиоси (ARI - Auto-fahrer Rundfunk Information);
- йўналишни электрон бошқариш тизими, (ERGS - Electronic Route Guidance System);
- йўл ҳаракатини аниқлаш қобилияти (TRC - Traffic Responsive Capabilities);
- автомобилларнинг умумий назорат тизими (CACS - Comprehensive Automobile Control System);

- юқори самарадорлик ва хавфсизликка эга бўлган Европа йўл ҳаракати тизимининг дастури (PROMETHEUS - Program for a European Traffic System with Higher Efficiency and Un-precedented Safety);
- Европада автомобилларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи йўл инфратузилмаси (DRIVE - Dedicated Road Infrastructure for Vehicle Safety in Europe);
- автотранспорт учун ақли магистрал тизимлари (IVHS - Intelligent Vehicle Highway Systems);
- йўл ҳаракатини аниқлашнинг мослашувчан назорат тизими (TRACS - Traffic Responsive Adaptive Control System);
- йўл ҳаракати учун мослашувчан тизим (ARTS - Adaptive Responsive Traffic System);
- йўл/автомобиль учун алоқа тизими (RACS - Road/Automobile Communication System);
- автомобилларни интеллектуал бошқариш тизими (VICS - Vehicle Intelligent Control System);
- интеллектуал бошқаришнинг назорат тизими (CIMS - Control Intelligent Management System);
- автомобилларни такомиллаштириш тизими (ASV - Advanced System of Vehicle);
- интеллектуал транспорт тизимлари (ITS - Intelligent Transport Systems).

REFERENCES

1. Метод определения транспортной интенсивности в городских условиях 2022/4/9. Том №264.- С.111-114
2. The Appeal is at the Center of Youth Issues. // Academic Journal of Digital Economics and Stability, 2021 Том №6.-С.-36-38
3. Методика циклов методом синтеза. 2021. // Сеть конференций E3S. 6/4 Том №264.-С.01033
4. Метод оценки энергоэффективности регулируемых ездовых циклов. // Обзор европейской науки, 2016 г.
5. Method of quantitative research of navoi city on the basis of choice of traffic flow. // The Scientific Journal of Vehicles and Roads, 2021 Том №2.-С 27-36
6. Сравнительная характеристика методов оценки стандартизованного ездового цикла. // Universum: технические науки, 2020 №3-1 (72) .-С68-70
7. Методика сравнительной оценки легковых автомобилей в городских условиях с применением информационных технологий. // Технические науки. теория и практика, 2017 .-С. 29-39
8. А.А. Мухитдинов, К.З. Зияев. Анализ режима работы двигателя легкового автомобиля в городских условиях движения. // эволюция современной науки, 2016.-С..24-28.